

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

Хр

2021 йил
8 октябрь,
жума
№ 41 (866)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

МАҚСАДИМИЗ — ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ, АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ДАРОМАДНИ КЎПАЙТИРИШ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 7 октябрь кuni Сирдарё вилоятида бўлди.

Мамлакатимизда полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, соҳада маҳаллийлаштиришни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар натижасида экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сафи кенгаймоқда. "Сирдарё мега люкс" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси ана шулардан биридир.

Давлатимиз раҳбари дастлаб ушбу корхона фаолияти билан танишди.

Ўтган йили бу ерда полипропилендан катта сигимли қоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. "Юшмоқ контейнер" деб аталувчи бу қоплар 500 килограмдан 5000 килограмгача юк қўтиради. Уларга ишлаб чиқариш, савдо, қишлоқ хўжалиги, логистика каби кўплаб соҳаларда талаб юқори. "Сирдарё мега люкс" йилига 132 миллион дона шундай маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.

Етти корпусдан иборат улкан корхона изчил ривожланиб бормоқда. Жорий йил май ойида икки қаватли плёнка тайёрлаш йўлга қўйилди. Яқин ойлarda стреч плёнка ва спанбонд технологияси асосида нотўқима мато ишлаб чиқариш бошланади.

Ҳозирда корхонада 2 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланган. Мазкур лойиҳалар тўлиқ қувватга чиққач, иш ўринлари 5 мингга етади.

Бугунги кунда Россия, Исроил, Беларусь, Украина, Қозоғистон каби 14 та мамлакатга экспорт йўлга қўйилган. Янги лойиҳалар билан

биргаликда экспорт ҳажми 215 миллион долларга етиши мўлжалланган.

Президентга истиқболдаги лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Унга кўра, келгуси беш йилда полимер маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича технопарк ташкил этиб, умумий қиймати 350 миллион доллар бўлган саккизта лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг учун 260 миллион доллар инвестиция жалб этилиб, Германия, Италия, Австрия технологияси ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларнинг иқтисодий самардорлиги билан бирга ижтимоий жиҳати ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

— Бу маҳсулотларнинг хомашёси ўзимизда, она заминимизда. Бундан ақл билан фойдаланиб, нарх ва сифат мутаносиблиги таъминланса, маҳсулотларимиз рақобатбардош бўлади. Фақат иқтисодий эмас, иқтисодий-ижтимоий лойиҳалар қилиш керак. Тадбиркор ҳам даромад топсин, одамлар ҳам, — деди Шавкат Мирзиёев.

Зарур маблағ йўналтириб, ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробар ошириш, келгусида ишчилар учун уй-жойлар барпо этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё тумани Ширин маҳалласида яшовчи Дониёр Йўлдошев хонадонидан бўлиб, оиланинг турмуш шароитлари билан танишди.

Бу уй юртимиздаги обод ҳовлилардан бири. 10 сотих томорқада мевали ва манзарали дарахтлар, сабзавотлар экилган. 30 бош насли курка боқилиб, бир йилда 25 миллион сўмгача қўшимча даромад олинмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу саяҳаракатларни маъқуллаб, мана шундай обод хонадонлар кўпайиши ке-

раклигини таъкидлади.

— Худудларда юришим, ҳар кунги ҳаракатларимдан мақсад — одамларни рози қилиш, аҳоли жон бошига даромадни кўпайтириш. Илгари четга хомашё сотардик. Ҳозир ҳаммасини мамлакатимизда қайта ишлаб, тайёр маҳсулот чиқараямиз. Корхоналар очилаяпти, ёшларимиз, хотин-қизларимиз ишли бўлаяпти. Бундайлар кўпайиши, бунинг учун ривожланиш маҳаллада бўлиши керак. Маҳалла яхши бўлса, давлат кучли бўлади. Ёшларни билмли, ақлли қилиб тарбияласак, ўз йўлини, ишини топади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимизга тинчлик, фаровонлик тилаб, дуо қилинди.

Шавкат Мирзиёев Сирдарё туманида вилоят сайловчилари билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Гулистон шаҳрининг Янги ҳаёт маҳалласида бўлди.

Бу ерда 2019-2020 йилларда 14 та кўп қаватли уй қурилган. Бугунги кунда яна 7 та 9 қаватли уй қурилиши бошланган. Улардаги 504 та хонадондан 100 таси кам таъминланган оилаларга имтиёзли равишда берилади. Ёшлар меҳнат гузари, стадион, болалар майдончалари қурилади.

Президентимиз янги мавзеда хизматларни кўпайтириш, тадбиркорлик субъектлари ташкил этиб, бу ерда яшовчиларни иш билан таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

— Камбағалликни қисқартиришнинг энг асосий омиллари бошлана ва иш жойи, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бу мақсадлар учун катта имкониятлар берилаяпти. Бу йилдан бошлаб ипотека кредити бўйича молиявий ресурслардан етишмовчилик ва чекловлар бўлмади, деб эълон қилганмиз. Шундан фойдаланиб, тадбиркорлар иштирокида кўп уйлар қуриш мумкин.

Шу ерда маҳалла нурунийлари билан самимий мулоқот бўлди.

— Бир пайтлар Сирдарё вилояти фақат қишлоқ хўжалигига ихтисослашган эди. Охириги йилларда замонавий саноат кириб келаяпти. Мана шундай уйлар қурилаяпти. Нима учун? Одамларда харид қобилияти бор. Энди бу ишларни тўхтатмаслигимиз керак. Чунки ёшларимиз етишиб келаяпти, халқимизнинг талаби ўсиб бораёпти. Давлатимиз шунга муносиб шароит яратиши керак, — деди Президент.

Нурунийлар вилоятда рўй бераётган ўзгаришлар, ёшлар тарбияси ҳақида ўз фикрларини билдирди. Президент Шавкат Мирзиёев Гулистон шаҳрида қурилаётган Тадбиркорлар ва хунармандлар марказини бориб кўрди.

Бу ерда тадбиркорликка қизиққан инсонларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериб, бизнесини бошлашига кўмаклашиш, ёшларга хунар ўргатиш йўлга қўйилади, маҳсулотлар кўргазмалари ўтказилади.

Марказ "Дўстлик" канали бўйида жойлашгани унга янада фойз берган. Худуд ободонлаштирилиб, сўлим хиёбон ташкил этилган. Манзарали дарахтлар экилган. Пиёдалар ва велосипед йўлакларини, фавворалар барпо этилган. Ўриндиқлар ёнига китоб жавонлари ҳам қўйилган.

Умуман айтганда, бу ер нафақат бизнес, балки маданият, туризм масканига ҳам айланади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот қилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Шухрат СУЯРОВ,
ЎЗА мухбирлари**

Ўзбекистонда суг-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суг ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

● **Одил судлов**

ЎЗБЕКИСТОН СУД ТИЗИМИ: қонуний, адолатли, замонавий ва халқпарвар



Ушбу фикрнинг тасдиғи учун давлат билан биргана мисол — шу йилдан мамлакатимизда жиноят ишлари бўйича айбга иқдорлик тўғрисида келишув жорий қилинганга эътибор қаратайлик. Бу ўринда 2021 йил 18 февралда

қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳақида сўз бормоқда, албатта.

(Давоми 2-бетда) ►

Қонун ижодкорлиги

Солиқ тўлови

бу борада қандай янги
имкониятлар яратилмоқда?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қяннда бўлиб ўтган мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, биринчи ўқишда қабул қилинди.



Шуни айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳаси билан Сурхондарё вилоятининг Бандихон, Қизилқум, Музработ ва Шеробод туманларида, шунингдек, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши томонидан белгилаб бериладиган тоғли ва ерлари шўрланган худудларда янги ташкил этиладиган ва шу худудларда рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектларини (кластерлар бундан

мустансо) 2024 йил 1 январга қадар юридик шахслардан олинган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, айланмадан олинган солиқ ҳамда яқна тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдорларини тўлашдан озод қилиниши белгиланмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

Маълумки, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида суг-ҳуқуқ тизимига изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Фаолият мезони

Соддалаштирилган тартибда иш юритиш ҳам судьяга, ҳам тарафларга қулайлик яратади

2021 йил 16 сентябрь кuni қабул қилинган "Судга мурожаат қилиш учун янада қулай шароитлар яратилиши ва фуқаролик процессига соддалаштирилган иш юритиш тартиби жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси-



да"ги қонун ҳам тизимдаги ислохотларнинг мантиқий давомидир.

(Давоми 4-бетда) ►

Моҳият

Ҳар бир боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояда



Азиз халқимиз болажонлиги, болапарварлиги билан ном қозонган. Таъбир жоиз бўлса, бу хислатлар миллий қадриятларимизнинг ноёб гавҳари ҳисобланади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз эвакуация қилинган турли миллатга мансуб юз минглаб болаларни баврига олган, ўз фарзандидай оқ ювиб, оқ тараган.

Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида муҳокама қилинган "Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қонун мамлакатимиз-

да кейинги йилларда амалга оширилаётган изчил ижтимоий ислохотлар доирасида Президентимизнинг фармон ва қарорларида белгиланган фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, бола ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига эришиш каби тадбирлар ижросини таъминлашга қаратилган.

(Давоми 3-бетда) ►

Жорий йил 24 октябрь кuni мамлакатимизда бўлиб ўтадиган улкан ижтимоий-сиёсий тағбир — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик асосида ўтказишга оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутади.

24 OKTABR 2021-YIL SAYLOVI

Сайлов ва сўз эркинлиги: ҳуқуқ, кафолат ва масъулият

Шу маънода, Марказий сайлов комиссияси юртимизнинг бир қатор етакчи оммавий ахборот воситалари билан ушбу сайлов жараёнида ҳамкорликни кучайтириш ҳамда тайёргарлик ишларининг олиб борилиши ва ўтказилишини ёритиш бўйича икки томонлама меморандумлар имзолагани диққатга лойиқдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати маълумотларига қараганда, 2021 йил 30 сентябрь ҳолатига кўра, сайлов жараёнини ёритиш учун аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ОАВ вакиллари 1 минг 253 нафарни, хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари эса, 48 нафарни ташкил этмоқда.

Ана шу икки далилнинг ўзидек Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови қонуний ва адолатли, очик ва ошқора, ҳолис ва шаффоф ёритилишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрилганини тасдиқлайди. Биноба-



рин, Сайлов кодексининг 35-моддасида белгиланганидек, "Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов кuni овоз бериш биноларида ҳозир бўлиш, шу жумладан, овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга".

Бу ҳақда фикр юритганда, авваламбор, сўз эркинлиги Асосий Қонунимизда кафолатлаб қўйилганини таъкид-

лаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида қайд этилганидек, "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.

Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир".

(Давоми 3-бетда) ►

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Конун билан Жиноят-процессуал кодексига киритилган қўшимчаларга кўра, урта муҳим институт амалиётга жорий этилди. Булар:

- кўрсатувларни олдиндан мустахкамлаб қўйиш;
- жиноят иши бўйича дастлабки эшитув;
- айбга икромлик тўғрисида келишув институтларидир.

Кўрсатувларни олдиндан мустахкамлаб қўйиш — гувоҳ ва жабрланувчини ишни судга қадар юритиш босқичида прокурорнинг илтимосига кўра, сўроқ қилиш бўлиб, бу суд томонидан амалга оширилади. Гувоҳ ва жабрланувчини объектив сабабларга кўра, кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмайдиган ҳолатларда уларнинг кўрсатувлари олдиндан мустахкамлаб қўйилиши мумкин.

Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув — жиноят ишини тўхтатиб туриш, тугатиш, бирлаштириш, айблов далолатномаси ёки хулосасини, тиббий йўсиндаги мажбурулов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни прокурорга юбориш ҳамда номақбул далилларни чиқариб ташлаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади. Дастлабки эшитувни ўтказиш давомийлиги 10 суткадан ошмаслиги керак.

Айбга икромлик тўғрисида келишув — ўта оғир жиноят ҳисобланмайдиган жиноятлар бўйича айбга икром бўлган, жиноятни очишга кўмаклашган ва зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан прокурор билан тузиладиган институт. Конун билан Жиноят кодексига киритилган қўшимчага кўра, айбга икромлик тўғрисида келишув тузилганда жиноятлар бўйича жазо белгиланган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаган ҳолда тайинланади.

Мазкур конун билан жиноят ишида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар кенгайтирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу нуқтаи назардан, Жиноят-процессуал кодексига киритилган қўшимчаларга кўра, **биринчидан**, шахс амалда ушланган ёки уни ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири якунланган пайтдан бошлаб, у билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилгунга қадар ҳимоячи билан холи учрашиши таъминланади. **Иккинчидан**, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан аризалар, тушунтиришлар ва кўрсатувлар олиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширилади. Албатта, ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар бундан мустасно.

Бундан ташқари, ушлаб туриш муддати шахс амалда ушланган пайтдан эътиборан кўпи билан 48 соатни ташкил этади. Илгари бу муддат шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган вақтдан бошлаб ҳисобланган.

Яна бир муҳим жиҳат: ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар таснифи мукамаллашди. Бу ҳолатлар тоифасига:

- дастлабки эшитув ўтказилаётган;
- ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид;
- шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқилаётган;
- айбга икромлик тўғрисида келишув тузилган ишлар киритилди.

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИКБОЛЛАРИ

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида 40 дан ортиқ конун, фармон ва қарор қабул қилинди.

Бу ўринда, аввало, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонунни эсга олиш жоиз. Унга биноан:

Биринчидан, ўтган қисқа даврда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг демократик ва шаффоф механизминини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Олий суд ва Олий ҳужалик суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — **Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди**; **иккинчидан**, юртимизда биринчи марта Олий суд маъмурий иш-

лар бўйича судлов ҳайъати ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда **207 та маъмурий суд** ташкил этилди;


учинчидан, **85 та иқтисодий суд** фаолияти йўлга қўйилди. Бундан кўзланган мақсад, албатта, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишдир;

тўртинчидан, суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига риоя қилиш, судларни моддий-техник ва молиявий таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш мақсадида Олий суд хузурида **Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти** ташкил этилди;

бешинчидан, **Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши** таъсис этилди. Натижада судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, бу борада очик, ошқора ва муқобил танлов тизимини яратиш имкониятлари кенгайтирилди. Кенгаш томонидан судьяликка номзодларни танлаш ва тайин-

Одил судлов

ЎЗБЕКИСТОН СУД ТИЗИМИ: қонуний, адолатли, замонавий ва халқпарвар



лашда таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилди;

олтинчидан, дунёнинг тараққий этган давлатлари илгор тажрибасини чуқур ўрганиш асосида мамлакатимиз тарихида илк бор судья лавозимига **муддатсиз тайинлаш** амалиёти жорий қилинди. Судьяларнинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мустақиллиги кафолатлари кучайтирилди.

оқлов ҳукмлари кўпайишига асос яратди.

Бу ҳақда сўз борганда, айрим рақамларга тўхталиш мақсада мувофиқ, Хусусан, мамлакатимиз судлари томонидан 2017-2021 йилларда жами 3 минг 464 нафар шахс оқланди. Яна бир муҳим рақам: 2017-2021 йилларда жами 17 минг 731 нафар шахс суд залидан озод қилинди.

Мамлакатимиз судлари томонидан **2017-2021 йилларда жами 3 минг 464 нафар шахс оқланди**. Яна бир муҳим рақам: **2017-2021 йилларда жами 17 минг 731 нафар шахс суд залидан озод қилинди**.

Шу билан бирга, жойларда судлар фаолиятини жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини қарор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Суд тизимида гендер тенглигини таъминлаш, аёлларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги мавқени ошириш, хусусан, аёл судьяларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

СУДЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, қўйи судлар судьялари, Судьялар олий мактаби ва уларнинг аппарати ходимлари, Олий суд хузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг иш ҳақи ва қўшимча тўловлари тўлиқликчи давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланди. Судьяларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди.

Илк бор давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари ҳамда ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқни амалга оширишни таъминлаш мақсадида яратилган тизим қисқа муддатларда ўз натижасини бера бошлади.

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИКИШ ИНСТИТУТИ ТАКОМИЛЛАШДИ

Инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси тўла-тўқис таъминлаши йўлида суд қарорларини қайта кўриш институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Жиноят-процессуал, Иқтисодий процессуал ҳамда Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги бешта қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотининг мантқиқий давоми эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу қонунлар негизда суд тизимини тубдан янгиланишига яна бир муҳим ва юксак босқичга қадам қўйилди. Бу қонунларнинг барчаси суд қарорлари қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини қайта кўриб чиқиш тартибини илгор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда тақомиллаштиришга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, амалда бўлган назорат инстанцияси тизими суд ишларининг йиллаб ўз ечимини топмасдан, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келишини ҳам ҳолилик нуқтаи назаридан очик-ошқора айтишимиз керак. Қолаверса, мазкур назорат инстанцияси тизими халқроқ тажрибага ҳам мос эмас эди.

Шу маънода, **"бир суд — бир инстанция"** тамойили илгари сурилгани айни муддао бўлди. Бу, биринчидан, суд қарорларини қайта кўриш тизимида йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларнинг ҳал қилинишига кучли туртки берган бўлса, иккинчидан, ушбу тизимнинг тубдан қайта кўриб чиқилишига асос яратди.

"Бир суд — бир инстанция" тамойилига кўра, эндиликда, **бирин-**



иккинчидан, маъмурий тартиб-таомиллар ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлароқ маъмурий судларни ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар)

чидан, халқроқ стандартларга мос равишда **уч босқичли** суд тизими яратилди. Яъни: **биринчи инстанция** — туманлароқ, туман (шаҳар) судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича — вилоят судлари, **апелляция инстанцияси** — вилоят судлари, биринчи инстанцияда вилоят судлари томонидан

зарда тутувчи "йўл харитаси", шунингдек, 2020-2023 йилларда **суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури** тасдиқланди.

Барча суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш, биринчи инстанцияда тўлиқ жорий қилинган ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш тартибини апелляция ва кассация инстанцияси судларида ҳам йўлга қўйиш ишлари жадал бормоқда. Бунда тарафларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида "SMS" орқали хабардор қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалока режимида иштирок этиш имконини берувчи мобил дастур амалиётга жорий этилаётгани ҳам жуда муҳим.

Судларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш энг асосий вазифаларимиздан бўлиб, бу борада ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, судлар чиқарган қарорлар Олий суд веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2020 йил 21 февралда **"Суд муҳофазаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида"**ги қарорни қабул қилди. Бундан мақсад суд муҳофазаси ошқоралигини, судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини тўлиқ амалга оширилишини таъминлашдир.

Пленум қароридан судлар суд муҳофазаси ошқоралиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур шароит яратиши лозимлиги тушунтирилди. Айниқса, одил судловдан фойдаланиш имкониятларини осонлаштириш ҳамда бу борадаги шаффофликни оширишга қаратилган **электрон тартиб-таомиллар** босқичма-босқич амалиётга тадбиқ этилаётгани катта аҳамиятга эга.

Яна бир муҳим жиҳатга тўхталамиз. Сўнгги йилларда судларнинг халққа янада яқинлашиши, судьялар ва суд ходимларининг халқ орасига кириб бориши суд фаолиятининг очиклиги, ҳолислиги ва шаффофлигига нисбатан жамоатчилик ишончини тубдан оширмоқда.

Таъкидлаш керакки, яқинда мамлакатимизда суд тизими ислоҳига оид яна бир муҳим қонун ҳужжати кучга кирди. Яъни **"Судга мурожаат қилиш учун янада қулай шароитлар яратиши ва фуқаролик процессига соддалаштирилган иш юритиш тартиби жорий**

қўрилган мураккаб тоифадаги ишлар бўйича — Олий суд, **кассация инстанцияси** — Олий суддан иборат бўлди.

Иккинчидан, халқроқ ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлаётган **назорат инстанцияси тўлиқ бекор** қилинди. Вилоят суди томонидан биринчи инстанцияда кўрилган суд ишлари юзасидан берилган шикоятларнинг шу суднинг ўзи томонидан юқори инстанцияда кўришга қўрилиши амалиётига барҳам берилди. Натижада коррупциявий омиллар бартараф этилиб, шикоят қилиш институти самарадорлиги ошди.

Ўз навбатида, суд ишларини назорат тартибидан кўриб чиқиш институти тугатилиши ва кассациянинг учинчи инстанция суди сифатида белгиланиши натижасида суд қарорлари қонунийлиги, асослиги ва адолатлигидан норози томоннинг тўғридан-тўғри шикоят асосида кўрилишига эришилди. Судларда ишларни назорат тартибидан кўриб чиқиш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялар ҳам қисқартирилди.

СУДЛАР ОЧИҚЛИГИ ВА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ САМАРАЛАРИ

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда. Ишларни инсон омилсиз, яъни автоматик равишда тақсимлаш, суд мажлиси жавабларини ягона электрон базасини жорий этиш, суд қарорларини расмий веб-сайтда эълон қилиш, судга электрон мурожаат ва

"Бир суд — бир инстанция" тамойилига кўра, эндиликда, **биринчидан**, халқроқ стандартларга мос равишда **уч босқичли** суд тизими яратилди. Яъни: **биринчи инстанция** — туманлароқ, туман (шаҳар) судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича — вилоят судлари, **апелляция инстанцияси** — вилоят судлари, биринчи инстанцияда вилоят судлари томонидан кўрилган мураккаб тоифадаги ишлар бўйича — Олий суд, **кассация инстанцияси** — Олий суддан иборат бўлди.

суд ҳужжатларини тарафларга электрон шаклда обориш, суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш каби замонавий ёндашувлар эвазига одил судлов самарадорлигига эришилмоқда.

2020 йил 3 сентябрдаги "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори одил судлов сифати ва самарадорлиги оширишда **соҳани рақамлаштириши** янада кенгайтириш мақсадида қаратилган. Унга кўра, Олий суд ахборот тизимини **28 та** давлат органи ахборот тизимига интеграция қилиш орқали **маълумотлар алмашинувини 100 фоиз рақамли шаклга ўтказиши** на-

этилиши муносабати билан **Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**ги қонун имзоланди ҳамда матбуотда эълон қилинди.

Янги қонун билан Фуқаролик процессуал кодексига соддалаштирилган тартибда иш юритиш институти киритилди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган шиддатли ислохотларнинг изчил ва мантқиқий давомидир.

Икром МУСЛИМОВ,
Олий суд раиси ўринбосари

(«Янги Ўзбекистон» газетасининг 2021 йил 6 октябрь сонидан олинди)

◀ (Бошланиш 1-бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги қонун билан бир қатор кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Қонунда қайд этилишича, энди суд ҳужжатларида (ажримлар, ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, апелляция ва кассация шикоятлари (протестлар), баённомалар ва бошқалар) бошқа маълумотлар билан бирга суд ишининг рақами ҳам кўрсатилиши лозим.

Шунингдек, судьяларнинг "Е-XSUD" ахборот тизимидан суд ҳужжатларини рақами бўйича олишига имконият яратилгани муносабати билан апелляция ва кассация шикоятларига (протести) иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларининг суд томонидан тасдиқланган кўчирма нусхалари илова қилинишига оид талаб чиқариб ташланди. Айкиқса, Фуқаролик процессуал кодексининг "Соддалаштирилган тартибда иш юритиш" деб номланган 251-боб билан тўлдирилиши ҳам судьяга, ҳам тарафларга қулайлик яратади. Унда соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган ишлар, уларни кўриб чиқиш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари, бу борадаги даъво аризага қўйиладиган талаблар белгиланди. Мазкур боб кодекснинг 279¹-279⁵, 284¹, 385¹, 386 ва 395-моддаларини ўз ичига олади. Хусусан, 279¹-279⁵-моддаларга биноан, соддалаштирилган иш юри-

Фаолият мезони

Соддалаштирилган тартибда иш юритиш

ҳам судьяга, ҳам тарафларга қулайлик яратади

тиш тартибдаги иш ушбу кодексда назарда тутилган даъво ишини юритишнинг умумий қоидаларига кўра, мазкур бобда белгиланган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан кўриб чиқилади. Агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан, яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан ўн бараваридан, жисмоний шахсларга нисбатан эса, беш бараваридан ошмаса, даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилади.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилаётган иш аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш ҳақида ажрим чика-

рилган кундан эътиборан йигирма кундан ошмаган муддатда судья томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади. Бунда ишни кўриб чиқиш муддати узайтирилмайди. Суд соддалаштирилган иш юритиш тартибдаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқилади. Тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда баён қилинган тушунтириш, эътироз ва вазжаларни текширади, далиллар билан танишади ҳамда ҳал қилув қарори қабул қилади. Ҳал қилув қарори ушбу кодекснинг 23-бобда назарда тутилган умумий қоидаларга кўра, мазкур бобда белгиланган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда суд

томонидан қабул қилинади. Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори, агар апелляция шикояти (протести) берилмаган бўлса, қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач, қонуний кучга киради. Борди-ю, апелляция шикояти (протести) берилса, ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради. Тарафларга қулайлик яратиш мақсадида кодекснинг 284-моддаси "Сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси тарафларга ушбу қарор чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай топширилгани маъ-

лум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади, ушбу шахсларнинг электрон манзиллари мавжуд бўлган тақдирда эса, у электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин" тарзида баён этилди. Шунингдек, кодекснинг 385¹-моддаси "Суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида берилиши мумкин" деган мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди.

Бундан ташқари кодекснинг 395-моддаси "Суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) у судга келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади" деган мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди.

Хулоса қилиб айтганда, соддалаштирилган иш юритиш тартиби судларни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўткиржон ИСМОИЛОВ, фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро суди раиси

Кун кеча нуфузли Нобел мукофотининг янги соҳиблари эълон қилинди. Бу йил физика йўналишида германиялик Клаус Хасселман ва япон миллии мансуб америкалик Сьюкуро Манабэ ер сайёраси иқлимини моделлаштиришани ва глобал исини прогноزلашгани учун юксак мукофотга лойиқ топилди. Шу ўринда савол туғилади: ҳар, иқлим нима? У оғатий об-ҳавован фарқ қиладими?



Ғаройиб олам

Етти иқлимни биласизми?

Илмий адабиётларда ёзилишича, иқлим — ер юзасининг қуёш нурларига нисбатан оғишига боғлиқ равишда об-ҳавонинг муайян жойга хос бўлган кўп йиллик мароми, яъни бирон жойда бўладиган об-ҳаво шароитларининг мажмуи ва мавсумий географик ўзгариши ҳисобланади. Қуёш радиацияси, ер тўшама сирти хусусиятлари ҳамда улар билан боғлиқ атмосфера циркуляцияси таъсирида вужудга келади. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир жой иқлими унинг бошқа жойлардаги иқлимга нисбатан ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўп йиллик метеорологик кузатишлар натижасидагина тўлиқ тасаввурга эга бўлиши мумкин. Иқлим атмосфера ва фаол қатлам (ер юзаси) да бетўхтов давом этадиган табиий жараёнлар (иссиқлик, кинетик ва бошқа шаклдаги энергияларнинг ўзгаришлари, сувнинг буғланиши, сув бугининг суюқликка айланиши, намнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ва ҳ. к.) натижасидир. Ер шарининг турли ҳудудларида иқлимнинг турлича бўлиши уни ҳосил қилувчи омилларнинг ҳар хил бўлишига, яъни бу жараёнлар содир бўладиган ўша географик шароитларга боғлиқ.

Кейинги ривожига кучли таъсир кўрсатди. Хусусан, ер худудини иқлим минтақалари асосида ўрганишни осонлаштирди. Ал-Хоразмий ғоясини яна бир буюк бобокалонимиз — Аҳмад ал-Фарғоний (798-866 йиллар) "Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нуҷум китоби" асарига давом эттирган. Унинг 9-бобини географияга бағишлаган. Етти иқлимнинг барчасини улардаги мамлакатлар, вилоятлар ва шаҳарлар билан бирга тасвирлаган. Ўртадаги фарқ шундаки, Мусо ал-Хоразмий усули юнон, Аҳмад ал-Фарғонийники эса, ҳиндлар аънасига асосланган. Иккала асарда ҳам Марказий Осиё ҳамда бу минтақага туташ ерларнинг вилоят-шаҳарлари батафсил тавсиф этилган. Мана, айрим мисоллар: "Тўртинчи иқлим Шарқдан бошланади ва Тибетдан, сўнгра Хуросондан ўтадики, бунда Хўжанд, Усрушона, Фарғона, Самарқанд, Балх, Бухоро, Ҳирот, Амуя, Марварруд, Марв, Сарахс, Тус, Нишопур шаҳарлари бор. Ундан сўнгра Жужум, Қумис, Табаристон, Демованд, Қазвин, Дайлам, Рай, Исфандондан ўтади.

Аслида иқлим тушунчаси лотинча "клима" ("оғиш") сўзидан келиб чиққан. Фанга эрампиздан олдинги II асрда киритилган. Ерининг одамлар истикомат қиладиган қисми дастлаб ўн икки бўлақка ажратилган. Юнон олими Птоломей бу миқдорни саккизтага камайитирган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, иқлимлар назариясини илк бор улуг ватандошимиз Мусо ал-Хоразмий (780-850 йиллар) тўлиқ баён қилган. У ер юзасини етти иқлимга ажратган. У Птоломейдан фарқли ўларок, минтақалар, мамлакатлар ва улардаги географик ҳудудларни эмас, балки биринчи иқлимдан то еттинчи иқлимгача бўлган жойларни тавсифлаган. Бу жиҳатдан унинг 836-847 йиллар ораллигида битилган "Китоб сурат ул-арз" рисоласи беқиёс аҳамиятга эга.

Ушбу китобда қуруқлик, сувлик ва тоғлиқдан иборат 2402 та жўғрофий жой ўрни келтирилган. Мамлакатлар, шаҳарлар, булоқлар, дарёлар, қўллар, денгизлар, тоғлар ва ороллар иқлимлар бўйича тақсимланган. Бу назария география фанининг

Бешинчи иқлим Шарқда Яъжуж мамлакатидан бошланади, сўнгра Хуросоннинг шимолидан ўтади. Унда Тороз — савдогарлар шаҳри, Навоқат (Навкат), Хоразм, Исфаҳон (Сайрам), Турарбанд (Ўттор — ҳозирги Арис) ва Озарбайжон, Армения вилояти, Бардава (Барда), Нашава (Нахичивон) шаҳарлари бор. ...Еттинчи иқлим Шарқда Яъжуж мамлакатининг шимолидан бошланади, сўнгра туркий мамлакатлар (Марказий Осиё)дан, сўнгра Жужум (Каспий) денгизининг шимолидан, сўнгра Рум денгизи (Қора денгиз)ни кесиб, сақлаблар (славяндлар) мамлакатидан ўтади ва Фарб (Атлантика) денгизига туғайди. Кўриниб турибдики, бугун ҳақон сиёсатининг муҳим йўналишига айланган иқлим ўзгаришидек глобал муаммонинг туб асосларини буюк аждодларимиз кашф этишган. Шу боис ўзбек тили ва адабиётида кўп истеъфода этиладиган "етти иқлим" ибораси ғаройиб тарихга эга. У орқали кўплай янги билим ва маълумотлар билан танишиш мумкин. Интернет материаллари асосида Хумоюн МИРЗО тайёрлади.

Фарзанд тарбиясида йўл қўйилган хато, эътиборсизлик ҳеч қачон исзис келмайди. Бунга ҳаётдан қўлаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Қарим Икромов (исм-шарифлар ўзгартirilган) ёшлиқдан беш бўлиб ўсди. Натижада айни вояга етган маҳали жинорий қилмишга қўл уради. Аншқроғи, ўзидан саккиз ёш катта инсонни уриб, Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисмига назарга тутилган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш жиноятини содир этади. Пироварғида жиноят ишлари бўйича Бувайда тумани судининг 2020 йил 25 майдаги ҳужмига биноан, бир йил мuddатга ахлоқ тузатиш иши жазосига маҳкум қилинди.

Ўтган йилнинг июнь ойида ота-онаси Қаримни кўшни қишлоқда яшовчи Санобар Илҳомовага унаштиришди. Бироқ қизнинг онаси Зайнаб Илҳомова кўвнинг "таърифи" ҳамда судланганини эшитиб, унаштирувни бекор қилдиради. Қолаверса, тез фурсатда Санобарни бошқа бир йигитга унаштириб қўйишади. Табиийки, бу ҳолат Қаримнинг ғазабини келтиради. Агар мендан бошқасига турмушга чиқадиган бўлсанг, ота-онангни ўлдирман, — дейди у қизга дағдага қилиб.

Худди шу гапни унаштирилган йигитга ҳам айтади. Натижада фотиҳа яна бузилиб, Баҳодир ака билан Зайнаб опа иккинчи мартаба қизларини К.Икромовга узатишга мажбур бўлишади. 2020 йил 18 июль кун икки ёш на қонуний никоҳ, на тўйсиз шаръий никоҳ асосида турмуш қуришади. Чунки келин томонинг тўй қилишга имкони йўқ эди. Шу билан бирга, ўша пайтда юртимизда карантин талаблари кучайтирилган эди...

Ёш келин-кўвнинг ҳаёти турли дилхиралик ва жанжал-тўполонлар билан бошланади. Айни турмуш тарзи эса, орадан 6 ой ўтса ҳам ўзгармайди.

Жорий йилнинг 6 февраль кун Санобар ота-онасини кўргани бориш учун руҳсат сўраганида, Қарим бунга рози бўлмай, жанжал кўтаради. Шу баҳонада хотинини роса дўппослайди. Қалтак зарбидан юз-кўзи кўқарган келин аразлаб, ота-онасиникига кетади. Энг ачинарлиси, қалтак өйиши оқибатида унинг 3 ойлик ҳомилиси нобуд бўлади. Бундан аччиққан С.Илҳомова эрига қонуний чора кўришини сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат қилади. Шундан сўнгра мазкур ҳолат юзасидан К.Икромовга нисбатан Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари бошланади.

Тергов жараёнида Қарим таниши Фахриддин Мадрохимов билан онаси Жамила Раҳматовани келини олиб келиш учун юборди. Чунки у хотинини қайтариб келиб, ярашиб, жинорий жавобгарликдан қутулиб қолишни ўйлайди. Аммо Санобар ҳам, ота-онаси ҳам бунга рози бўлмади. Бу эса, Қаримни баттар жаҳл отига миндиради.



Шу боис у қайнотасиникига болта кўтарган ҳолда кириб бориб, рафикаси ва қайнона-қайнотасига дағдага қилади. Натижада Баҳодир ака бу ҳақида худуд профилактика инспекторига хабар беради. Инспектор ҳолат юзасидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасига асосан маъмурий баённома тузади. Кейин тўпланган ҳужжатларни судга юборди.

Гап шундаки, ушбу маъмурий иш 2021 йил 2 март кун судда кўриб чиқилиб, зўравон куёвга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдоридан жарима жазоси тайинланади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суд мажлисида куёв С.Илҳомова билан яшаб, оиласини сақлаб қолмоқчи эканини айтади. Санобар эса, у билан яшамаслигини билдиради. Қолаверса, суд мажлисида иккала томон бир-бирини ҳақорат қилишади. Ҳатто келин "Осмон қўлингга бўлса, ташлаб юбор!" — дея дағдага қилади. Лекин биргина ана шу гап ва қайнона-қайнотасининг суддаги муомаласи содир этилажак қабихликка замин яратилиши ким билибди дейсиз?

— Қайнотам билан қайнонамни ўлдирман, — дейди К.Икромов орашси Ф.Мадрохимовга.

— Йўқ, ундай қилма, бу билан ўзинг ҳам жабр қилганинг қолади, холос, — дея Фахриддин уни шаштидан қайтар-

моқчи бўлади. Бироқ дарғазаб куёв фикридан қайтмайди. Ўша кун кундузи у уйда турган чопки ва узунлиги 80 сантиметр келадиган даракт гўласини кўтариб, маҳалладаги устaxonага чиқади. Яъни чопкига янгидан соғ қўйдиради. Кеч соат 20⁰⁰ лар атрофида қайнотасиникига йўл олади. Қайнотасининг ҳовлисида ҳали дарвоза ўрнатилмаганидан

моёнинг ҳаёти сақлаб қолинади. Шу тариқа К.Икромов оғир аҳволдаги икки нафар шахсни ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдириш жиноятини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказиб олмади.

Ҳудуд судланувчини Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "в", "ж" бандлари, 25, 97-моддаси 2-қисми "а, в, ж" бандлари билан айбдор деб топиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Шу ўринда айни ўта оғир жиноятнинг содир этилишига сабаб бўлган айрим омиллар хусусида фикр юритиш мақсада мувофиқ. Аввал ҳам таъкидлаганимиздек, ота-онаси судланувчининг тарбиясига ўта эътиборсизлик билан қарашган. Йўқса, бебош ўғиллари бир эмас, уч мартаба жиноят кўчасига қадам қўйиб, учинчисидан ўта оғир жиноятга қўл уриб, умрининг навқирон даврини ҳазон қилмаган бўларди. Қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғинлари маъсулларини ҳам қонуний никоҳсиз, ҳам тўйсиз турмуш қуришга томошанидан бўлиб турмай, бунинг олдини олганида эди, балки ахвол бугунги даражага етиб бормасди. Ҳатто улар оиладаги жанжалларга нисбатан ҳам лоқайд муносабатда бўлишган. Ўз худудларида оиланинг муқаддас экани борасида кенг қамровли тушунтириш ва тарғибот ишларини амалга оширишмаган.

Худуд профилактика инспекторининг ҳаракатсизлиги ҳам оловга мой сепган. Чунки у кун-қунора юз берган жанжалларни бартараф этиш чорасини кўрмаган. Хусусан, Қарим қайнотасиникига кўтариб борган болтини топиб, рўй берган воқеани ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳоланишини таъминламаган. Яъни ҳолатта майда безорилик сифатида қараб, масаланинг асл моҳиятини яширган, муаммони бартараф этмаган.

Қотилликнинг ана шу омилларини инобатга олган суд келгусида бундай муҳим жиноят тақрорланмаслигини таъминлашга қаратилган хусусий ажрим чиқариб, уни маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда Бувайда тумани ички ишлар бўлимига юборди. Бинобарин, бу муҳим воқеадан ҳамма тегишли хулоса чиқариши зарур.

Раҳматжон АРАПОВ, жиноят ишлари бўйича Ёзёвон тумани суди раиси Хуршид СУЛТОНОВ, журналист

Куч — адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

- Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЕДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

- Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54. E-mail: kuchi-adolatda@mail.ru. Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-1015 Қоғоз бивийи: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотува эркин нарҳда. Адади: 4539. 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 22⁰⁰.